ИҚТИСОДИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ МОТИВАЦИОН-ҚАДРИЯТЛИ ТУЗИЛМАСИ (ЎСПИРИНЛАР МИСОЛИДА)

Навбаҳор Шокировна Умарова
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, Спорт психологияси ва педагогика кафедраси доценти, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: navbaxor78@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада илк ўспирин ва ўспиринларнинг тассавурларида иқтисодий муносабатлар тизимида фаол иштирок этишини таъминловчи ижтимоий установкалар ва уларга боғлиқ тассавурлар ҳамда ушбу тассавурларнинг қадриятлари тизими билан алоқадорлиги эмпирик жиҳатдан ўрганилган.

Калит сўзлар: ижтимоийлашув, иқтисодий ижтимоийлашув ўсмир, илк ўспирин, ўспирин, шаҳар, қишлоқ, терминал қадрият, инструментал қадрият.

MOTIVATION-VALUABLE STRUCTURE OF FACTORS AFFECTING THE PROCESS OF ECONOMIC SOCIALIZATION (IN THE EXAMPLE OF ADOLESCENTS)

Navbakhor Shokirovna Umarova
Associate professor of the Department of Sports Psychology and Pedagogy, Uzbekistan State University of Physical Education and Sport, Doctor of Philosophy in Psychological Sciences
E-mail: navbaxor78@mail.ru

ABSTRACT

This article empirically explores the social institutions and related perceptions that ensure active participation in the system of economic relations in the perceptions of early adolescents and adolescents, as well as the relationship of these perceptions to the value system.

Keywords: socialization, economic socialization, teenager, early adolescent, adolescent, urban, rural, terminal value, instrumental value.

КИРИШ

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб аксарият ривожланган давлатларда **ёшлар** қатламига “муаммо”, деб эмас, балки жамият тараққиётини таъминловчи куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида қарала бошланди ва бу ёндашув турли мамлакатларда ёшларга оид тизимли давлат сиёсатининг шаклланишига шароит яратди. Ўтган асрнинг 60-80-йилларида Бирлашган миллатлар ташкилоти(БМТ)да

ёшлар сиёсатининг янгича тамойилларини белгилаб берувчи бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди ва ёшларнинг ижтимоий муаммолари ташкилот эътибор марказидаги вазифага айланди. БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий ишлар бўйича департаменти “бугунги кунда дунёда 1,8 миллиард ёш (дунё аҳолисининг 24,6 фоизи) яшайди ва бу инсоният тарихидаги энг катта кўрсаткич ҳисобланади. Ёшларнинг қарийб 90 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди” деб маълумот беради (www.un.uz, 2019).

БМТнинг Ўзбекистондаги фаолияти “Тараққиётга кўмак дастури (ЮНДАФ)”га асосланган бўлиб, бу дастур миллий ҳамкорлар ва БМТ ўртасидаги 2016 йилдан 2020 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олувчи стратегик ҳужжат ҳисобланади. Ушбу дастур БМТ агентликларининг билим ва техник ёрдам маблағларини тараққиёт мақсадларига эришиш йўлида сарфлашга бўлган интилишларига асосланади. ЮНДАФнинг 2016-2020 йилларга мўлжалланган дастурида “Иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва инклюзив иқтисодий ривожланишни таъминлаш” асосий йўналишлардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган.

2020 йилдаги дастлабки статистик маълумотларга (stat.uz, 2020) қараганда ҳозирги кунда Ўзбекистондаги 30 ёшгача бўлган ёшлар **18 532 496** нафарни, яъни жами аҳолининг 54,7 фоизини ташкил қилади. Ёш авлод камолоти, яъни “инсон капитали” йўлида сарфланаётган маблағ ва ресурсларга келажакка тикилган сармоя, деб ёндашилаётгани айни муддаодир. Бу маблағлар келажакда мамлакатга, жамиятга, халққа ортиғи билан қайтади. Шу сабабли ёшларга оид сиёсат юритиш, бу борада муайян сиёсий институтлар, жамоат ташкилотларининг фаолият олиб бориши давлатимиз ҳаётида салмоқли ўрин тутади. Таъкидлаш керакки, Республикамиз олимлари томонидан ижтимоийлашув самарадорлигини таъминловчи айрим омиллар ўрганилган ва ўрганилмоқда. Аммо шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёни муаммосини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотларга доир илмий манбалар етарлича эмас.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ижтимоийлашув муаммоси. Классик ёндашувларда (масалан, G. White, 1977), **ижтимоийлашув** индивидни жамият аъзоси сифатида ҳис қилиши учун зарур бўладиган барча одоб-ахлоқ ва қадриятлар тизимини ўзлаштириши билан боғлиқ ижтимоий жараёнларни ўз ичига қамраб олиши орқали шахс ҳаётида алоҳида аҳамият касб этиши, таъкидланади. Бунда ижтимоийлашув икки томонлама жараён сифатида юзага чиқиши баён этилади. Яъни, биринчисида, индивиддан ижтимоий муҳитга, ижтимоий боғланишларга киришиш йўлида социумдаги мавжуд ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш талаб этилса, иккинчисида эса бу тизим ичида индивид ўз фаолияти давомида содир бўлиши кузатиладиган жараёнларнинг фаол иштирокчиси ва субъекти сифатида майдонга чиқиши зарурий шарт ҳисобланади.

Ижтимоий психологлар (масалан, Т. Шибутани, 1998) бу тушунчанинг мазмунини ёритишар экан, “**ижтимоийлашув** – жамият ва бошқа кишилар билан бўладиган қониқарли алоқалар тараққиётида кутиладиган хулқ-атвор ва

ўзлаштириладиган ролларнинг намоён бўлиш жараёни", деб тушунишади.

А.И. Ковалеванинг (1999) ёзишича, **ижтимоийлашув** – ўз ичига барча ижтимоий жараёнларни қамраб олган бўлиб, у индивиднинг белгиланган нормалар, қадриятларни ўзлаштириши ва жамият аъзоси сифатида улардан кенг қамровда фойдаланишида намоён бўлади. Бундай шароитларда ижтимоийлашув икки ёқлама жараён сифатида юзага келади, яъни биринчидан, индивид ижтимоий тажрибаларни тизимга алоқадор ҳолда муҳитга кириб бориши орқали ўзлаштирса, иккинчидан эса бу тизимни яратиш, шакллантириш ва ривожлантириш бевосита индивиднинг ҳаётий фаолияти давомида амалга оширилади. Бу тизимда индивид томонидан фаол тарзда ўзлаштирилган нормалар ва ижтимоий роллар муҳим аҳамият касб этиб, натижада, ижтимоийлашув – ижтимоий тажрибаларни бошқа индивидларга етказишдаги узлуксиз жараён сифатида юзага чиқади

Н.Н. Помураннинг (2004) эътироф этишича, **ижтимоийлашув** – бу индивид томонидан бутун умр давомида ўз жамиятига тааллуқли бўлган ижтимоий роллар, одоб-ахлоқ нормалари, миллий ва маънавий қадриятларнинг ўзлаштирилиши жараёнидир. Бунда ижтимоийлашув жараёни ёш даврлари бўйича чегараланмайди, балки у индивиднинг бутун ҳаёти мобайнида ижтимоий кўникмалар ва тажрибаларни ўзлаштиришида намоён бўлади.

Э.Ғ. Ғозиевнинг (2012) изланишларида, шахснинг **ижтимоийлашуви**, унинг ижтимоий камолотга эришуви, алоҳида фаоллик намойиш қилувчи, ўзига хос фаолият кўрсатувчи индивиддан муайян ақлий қобилиятини ривожлантиришга, ижтимоий турмушдаги ролларни, масъулиятли юмушларни бажаришга ижтимоий-психологик жиҳатдан тайёргарлигидир, деб таърифланади.

Замонавий ижтимоий психологияда кенг тарқалган таърифларда эса (Андреева Г.М., 2016) **ижтимоийлашув** – бу индивиднинг ҳаёти давомидаги ўз жамиятига тааллуқли бўлган қадриятлар, ижтимоий роллар, хулқ-атворларни ўзлаштиришидир' дея таъкидланади.

Шунингдек, В.М. Каримованинг (2018) таъкидлашича, ... **ижтимоийлашув** тушунчаси соф ижтимоий-психологик ва социологик категория бўлиб, бу шахснинг уни ўраб турган ташқи ижтимоий муҳит таъсирларига берилиши, ташкилотда қабул қилинган норма ва қоидаларни ўзлаштиришга мойиллиги ҳамда уларни ўзлаштирганлик даражасини ифодаловчи жараёндир. Энг асосийси, бу тушунчанинг туб замирида инсоннинг туғилиб, ўзини бевосита ўраб турган ташқи муҳит таъсирида улғайиши, шу жамият, шу атроф-муҳит қуршовида тарбияланиши ётади.

Иқтисодий ижтимоийлашув муаммоси.

А.С. Прутченков (1996) эса бу хусусда фикр билдирар экан, ҳар қандай шахснинг иқтисодий қарашлари, эътиқоди, қадриятлари, фаровон турмуш тарзи нормаларини ўзлаштириши ва жамиятга ўзига хос тарзда қўшилиши билан изоҳланувчи объектив жараён – **иқтисодий ижтимоийлашувдир**, дея алоҳида таъкидлайди.

Г.В. Семья (1998) тадқиқотларида шахснинг иқтисодий жамиятнинг тўлақонли

аъзосига айланиши билан боғлиқ жараённи – **иқтисодий ижтимоийлашув**, деб атайди. Тадқиқотчининг фикрича, ижтимоий муҳитнинг индивид томонидан ўзлаштирилиши, иқтисодий жараёнлар ва уларнинг намоён бўлиши ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши ҳамда индивиднинг аниқ ижтимоий-иқтисодий фаолият турига киришиши, шунингдек, унинг иқтисодий хулқ-атворини шаклланиши ҳодисаси иқтисодий ижтимоийлашувнинг мазмун ва моҳиятини очиб беради.

Иқтисодий ижтимоийлашув жараёни моҳиятини тушунтириб берувчи энг яхши изланишлардан бири Е.В. Попова (2000) томонидан амалга оширилган. Тадқиқотчининг фикрича, **иқтисодий ижтимоийлашув** – бу асосий иқтисодий воқеликлар ҳақида тушунча ва тасаввурни шакллантириш, хулқ-атвор билан боғлиқ нормалар ва стереотипларни ўзлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ролларга киришиш ва хулқ типларини намоён қилишдаги энг зарурий билимларни эгаллаш жараёнидир.

Ж.А. Жилина (2003), жамиятдаги мавжуд иқтисодий алоқалар ва муносабатлар тизими остида шахс иқтисодий хулқ кўринишларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ ҳодисаларни онгда акс эттириш жараёнида иқтисодий ижтимоийлашувни тушунади.


Кейинги вақтларда хорижий олимлар томонидан иқтисодий психология предметига оид янги тадқиқотлар ўтказилган. Масалан, Rob Ranyard (Centre for decision research, Unuversity of Leeds, UK) (2017) томонидан иқтисодий ижтимоийлашув жараёни болалик, ўсмирлик, илк ўспиринлик контекстида; Erich Kirchler (Unuversity of Vienna, Austria) ва Erik Hoelzl (Unuversity of Cologne, Germany) (2018) иқтисодий ижтимоийлашув жараёни ижтимоий тасаввурлар контекстида тадқиқ қилинган.

Кенг қамровли адабиётлар таҳлилига таянадиган бўлсак (масалан, А.В.Мудрик, 2006), бугунги кунда шахснинг иқтисодий ижтимоийлашувга таъсир қилувчи ҳамда динамик характер касб этувчи ижтимоий омилларни қуйидаги кўринишда тўлақонли тасаввур қилиш мумкин:

(а) мегаомиллар (мега – жуда катта, барчага баравар тааллуқли): бутун Ер юзидаги инсониятнинг ижтимоийлашувига таъсир этувчи ё космос, ё сайёра, ё оламга дахлдор у ёки бу тарздаги яхлит омиллар гуруҳи.

(б) макроомиллар (макро – катта): ўз чегараларига эга бўлган бирор бир мамлакат ёки жамиятда истиқомат қилаётган кишилар ижтимоийлашувига ўзаро таъсир қилувчи ё мамлакат, ё этнос, ё жамият, ё давлат билан боғлиқ икки хил кўринишдаги омиллар гуруҳи.

(в) мезоомиллар (мезо – ўрталиқдаги, ораликдаги): бирор бир катта гуруҳ аъзоларининг ижтимоийлашувига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар, яъни аҳолининг яшаш тарзи (ҳудуд, қишлоқ, шаҳар, посёлка), улар томонидан оммавий тарзда фойдаланилаётган у ёки бу кўринишдаги ахборот воситалари (радио, телевидение ва бошқалар) ва уларнинг турфа хил субмаданиятга мансублиги билан боғлиқ алоҳида-алоҳида омиллар гуруҳи (1-расмга қаранг).



1-расм. Шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнига таъсир қилувчи омиллар гуруҳи
(Манба: муаллиф изланишлари).

(г) микроомиллар (микро – кичик): ҳар бир алоҳида шахс билан биргаликда ёки ёнма-ён тарзда фаолият олиб борувчи ва унинг ижтимоийлашувига бевосита таъсир қилувчи маълум бир киши, ўз оиласи ёки хонадони, қўни-қўшнилари, тенгқурлари, таълим-тарбия муассасалари, турфа хилдаги ижтимоий, диний, давлат, хусусий ва аксилижтимоий ташкилотлар ҳамда микросоциумга дахлдор бўлган ҳар қандай омиллар гуруҳи.

Шундай қилиб, таҳлилларга кўра, **иқтисодий ижтимоийлашув** – бу бутун дунё иқтисодий трансформацияси таянч замирини ташкил этувчи ва ўз ичига хусусий ҳамда умумий мулкчиликнинг мавҳум томонларини уйғунлаштирувчи замонавий аралаш иқтисодиётнинг муҳим хусусиятларидан биридир. У ишлаб чиқариш жараёнларида: ижтимоий талабни қайта ҳисобга олиш, кишилар меҳнати ва ҳаётини инсонпарварлаштириш, ижтимоий дифференциацияни юмшатиш, иқтисодий соҳаларни юксалтириш каби қатор воқеликлар ҳамда ҳодисаларда намоён бўлади.

Илмий тадқиқот ишининг бош методологик асоси. Тадқиқот объекти сифатида танланган ўсмирлар ва ўспиринлар иқтисодий ижтимоийлашув жараёнига ижтимоий-психологик омиллар таъсири кўламини ўрганиш, шунингдек, улар фаоллигини, уларнинг ўзларига қарашли, аҳамиятли бўлган вазиятлар, ҳодисалар, объектлар ва хабарларга нисбатан тутган мавқеи ҳамда муносабат-мотивациясини тадқиқ этиш ва бунда субъектив реалликни объективлик билан боғловчи психологик механизмнинг ролини аниқлаш С. Московичи, J. Jodelet, E. Kirchler, E. Hoelzl, А.И. Донцов, Т.П. Емельянова, М.К. Блок, М.И. Воловиковалар томонидан таклиф этилган “Ижтимоий тасаввурлар концепцияси” ёрдамида амалга оширилади.

Илмий изланишимиз учун яна бир методологик асос – бу ижтимоий ҳодисаларни талқин этишга қаратилган Л.С. Виготскийнинг “маданий-тарихий ёндашув ғояси” ҳисобланиб, унга кўра, шахсга хос барча хислатлар жамиятдаги у ёки бу муносабат ва ҳодисаларнинг индивид томонидан фаол тарзда ўзлаштирилиши, деб эътироф этилади. Аммо, индивид инсоният томонидан яратилган тажрибани,

маданият ютуқларини шунчаки қабул қилмай, балки ўз захираси ва ҳатто туғма хусусиятлари билан чамалаган ҳолда ўзлаштиради. Бундай ўзлаштириш инсондан кўр-кўрона тақлид эмас, балки ички фаолликни талаб этади. Масалан, микроомиллар таъсири остида шахсда шаклланадиган иқтисодий хулқ намунаси ва жамият аъзолари томонидан барпо этилган бозор муносабатларининг ўзаро мутаносиблиги ҳамда шу асосдаги уйғунлашув жараёни, бизга, иқтисодий ижтимоийлашув даражасини аниқлаш имкониятини яратади.

Мазкур тадқиқот ишининг марказий масаласи бўлмиш шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёни, унинг бозор муносабатларига асосланган жамиятдаги мавжуд анъанавий ва замонавий қадриятларни ўзлаштириш натижаси сифатида талқин этилади. Бунда иқтисодий ижтимоийлашув жараёнининг ижтимоий характерга эгалиги, шахснинг ўзлигини англаши, инсон табиатидаги биологик ва ижтимоий омилларнинг мураккаб тарздаги уйғунлашуви тарзида тушунилиши билан изоҳланади.

Шахснинг бозор муносабатларига нисбатан ижтимоийлашуви ва мослашуви жараёнини бир-биридан фарқлаб текширишда уни: (1) мақсад-установкалар блоки; (2) ресурслар блоки; (3) мотивацион-қадриятлар блоки каби учта блокка ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Илк ўспиринлар иқтисодий онгида тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган иқтисодиётнинг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, хусусиятлар, белгилар, фаолият турлари ва хислатларнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолган турмуш тарзи инъикосини баҳолаш мақсадида М.Р. Рокичнинг “Қадриятлар ориентацияси” (Rokeach Value Survay) номли методикасидан фойдаланилди. Унда терминал қадриятлар, яъни индивидуал мавжудликнинг сўнгги мақсади унга нисбатан интилиш билан ифодаланувчи турли мақсадли ҳамда инструментал қадриятлар, бирон бир ҳаракат шакли ёки шахснинг хусусиятлари ҳар қандай вазиятда ҳам мос келишувчанлиги билан изоҳланадиган турли воситали ажратиб кўрсатилган. Айнан шунинг учун ҳам тадқиқот ишида, маркетинг психологиясига дахлдор тадқиқотларда кенг кўламда фойдаланиладиган М.Р. Рокич методикасининг В.М. Каримова ва Н.Х. Лутфуллаевалар томонидан маҳаллий муҳитга мослаштирилган вариантига айрим ўзгартиришлар киритилган ўз модификациямиз қўлланилди ҳамда олинган натижалар қуйида баён этилади.

Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитига муваффақиятли иқтисодий ижтимоийлашган ўспиринлар хулқ-атворидаги устувор ижтимоий-психологик хусусиятларни текшириш йўлида олиб борилган изланишларда эса П.Н. Иванов, Е.Ф. Колобоваларнинг “Шахснинг ҳаётий қадриятларини аниқлаш (Must-тест)” проектив методикасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Изланишлар, асосан, ўспиринлардаги ўн беш хилдаги (масалана, жамиятдаги очиқлик, эркинлик ва демократия; хавфсизлик ва ҳимояланганлик; инсонларга хизмат қилиш; ҳокимият ва таъсир ўтказиш; машҳурлик; мустақиллик; моддий муваффақият; маънавий ҳаётдаги бойлик; шахсий юксалиш; шахслараро муносабатлар ҳамда алоқалар ва бошқалар)

ҳаётий мақсадли-қадриятларни аниқлашга қаратилган бўлиб, олинган натижалар иқтисодий муносабатлар субъекти ёки объекти сифатида гавдаланаётган ҳар бир ўспириннинг (а) натижага, (б) жараёнга, (в) эгоизмга ва (г) альтруизмга нисбатан тўртта даражадаги йўналганлик ҳолатини баҳолашда қўл келади.

НАТИЖАЛАР

Илк ўспиринларнинг қадриятларга ориентациясини иқтисодий ижтимоийлашув жараёни контекстида ўрганиш учун, энг аввало, иқтисодий воқеликлар шарт-шароитини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Яъни ёш даврларининг ушбу босқичида иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида шахс, иқтисодий ролларни бажаришда ўзини қай тарзда тутиши ва ролли-субъектив фаолиятни бозорнинг қайси қоидалари асосида ташкил этиши зарурлигини аниқлаш муҳим саналади. Назаримизда, иқтисодий воқеликлар доирасидаги ролли-субъектли фаолиятга дахлдор муносабатлар шарт-шароити даставвал иқтисодий ижтимоийлашув жараёнида намоён бўлади. Назарий таҳлилларимиздан биламизки, иқтисодий ижтимоийлашув жараёни иқтисодий муносабатлар доирасидаги ижтимоий талабни қайта ҳисобга олиш, кишилар меҳнати ва ҳаётини инсонпарварлаштириш, ижтимоий дифференциацияни юмшатиш, иқтисодий соҳаларни юксалтириш каби қатор воқеликлар ҳамда ҳодисаларда намоён бўлади. Бу борада тадқиқотлар олиб борган хорижлик ижтимоий психологларнинг (масалан, Н.А.Журавлева, 2002) фикрича, иқтисодий ижтимоийлашув жараёнига: (1) шахс истиқомат қилаётган умумий ижтимоий-иқтисодий вазият; (2) оилавий установка ва қадриятлар; (3) иқтисодий фаолиятда истеъмолчи сифатида намоён бўлиши билан узвийликдаги учта асосий шарт-шароит таъсир ўтказар экан.

Шахснинг иқтисодий муносабатларга алоқадор қадриятлари иқтисодий ижтимоийлашувнинг асоси бўлиши мумкин, деган илмий фаразни исботлаш мақсадида ишнинг ушбу босқичида, илк ўспиринлар гуруҳидан ташкил топган 53 нафар респондент М.Р. Рокичнинг “Қадриятлар ориентацияси” номли методикаси ёрдамида синовдан ўтказилди. Методика ёрдамида иқтисодий воқелик(ҳодиса, муносабат)ларда илк ўспириннинг субъект сифатида ўзини ўзи индивидуал мавжудлигини эътироф этиши ёки унга нисбатан ички интилишини ифодаловчи терминал қадриятлари ҳамда ана шу воқелик (ҳодиса, муносабат)лар доирасидаги иқтисодий ролларни бажаришида қўл келадиган мақбул ҳаракат шаклини танлашга ёки шахс хусусиятини намоён этишга нисбатан мувозанатлашганлигини тушунтирувчи инструментал қадриятлари аниқланди. Йўриқномага мувофиқ, турли демографик ҳудудларга мансуб илк ўспирин респондентлар мазкур икки туркумга тааллуқли қадриятларнинг аҳамиятлилик даражасига кўра тартиблашлари талаб этилди.

Шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёни маҳсули ҳисобланадиган иқтисодий масъулиятлилик ва маданиятлиликни шаклланиш босқичида илк ўспиринларда юқори/паст даражада тараққий этган шахс хулқ-атвор тизимига

йўналган маълум бир даражадаги қадриятлар тизими шаклланиши содир бўлади. Шахснинг қадриятларга йўналганлик тизими ментал қадриятлар таъсири остида шаклланса-да, лекин унинг таъсир кўлами ҳукумрон жамият ёки бевосита уни ўраб турган ижтимоий муҳит томонидан қатъий тарзда белгиланмаганлиги билан ажралиб туради. Сабаби, иқтисодий ижтимоийлашув жараёнида шахс ўз йўналишларини шакллаништиришда ҳеч қачон сусткашликни намоён қилмайди. Бунда у жамият томонидан таклиф қилинган қадриятларни ўз эҳтиёжлари олами ва ижтимоий-иқтисодий тасаввурларига таянган ҳолдаги танлови ёрдамида ўзлаштиради. Илк ўспиринларнинг қадриятларга нисбатан ориентациясида нафақат ижтимоий омиллар, балки уларнинг индивидуал-типологиясига хос баъзи бир характер ва шахслилик хусусиятлари ҳам ўз таъсирини ўтказади ҳамда бу ҳолат шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнининг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз кечган/кечаётганлигини муносиб баҳолашда мезон вазифасини бажариши мумкин.


Пилотаж босқични амалга ошириш механизмини соддалаштириш учун биз томонимиздан киритилган айрим жузъий ўзгартириш (модификация) – биринчидан – тадқиқотчига респондентнинг терминал ва инструментал қадриятларининг ўзаро мослик даражасини таҳлил этишга, илк ўспириннинг иқтисодий ижтимоийлашув жараёнига иқтисодий-психологик мослашишини аниқлашга ҳамда улар хулқининг мослашувчанлигига мега/макро/мезо ва микроомиллар гуруҳи таркибига кирувчи иқтисодий қадриятлар таъсири даражасини ёритишга имкон беради. Аниқланишича, ушбу мослик қанчалик юқори бўлса, шунчалик иқтисодий муносабатлар субъекти томонидан ҳаётий мақсадларга эришиш ва уларни амалда қўллаш режаларининг англанганлиги юқори кўрсаткичга эга бўлади. Мослик даражасининг пастлиги, иқтисодий ижтимоийлашув жараёни субъектининг ҳаётда ўз мақсадларига қандай эриша олишини англашнинг йўқлигидан гувоҳлик беради, яъни синалувчининг ҳиссий-иродавий хусусиятлар борасида тўла шаклланмаганлигини кўрсатади ҳамда молиявий-иқтисодий муносабатларда муваффақиятсизликларга учрашидан дарак беради.

Иккинчидан, киритилган модификация доминантлик ва инкор этувчи терминал қадриятлар ҳамда инструментал қадриятлар бўйича статистик таҳлил қилишга имкон яратади, ўрганилаётган илк ўспиринлар гуруҳини бозор муносабатларига нисбатан иқтисодий ижтимоийлашувга таъсир кўрсатувчи омиллар ва механизмларни ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил этишга ҳамда пилотаж босқичда қўлланилган тадқиқотнинг бошқа методлари орқали қўлга киритилган натижаларга қўшилиб, ўспиринлардаги иқтисодий масъулиятлилик ва маданиятлилик фазилатлари самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради.


Респондентлар амалга оширган танловлари асосида, уларнинг иқтисодий муносабатларга киришишга йўналганлигини баҳолашга ҳаракат қилар эканмиз, қуйидаги бир-бирига мутаносиб бўлмаган манзаранинг гувоҳи бўлинди. Жумладан, пойтахт-шаҳарда истиқомат қилаётган респондентлар терминал қадриятлар қаторидан ўзлари учун энг аҳамиятли деб, моддий муваффақият ва шахслараро

муносабатлар билан боғлиқ икки хил йўналганликни намоён этишди. Масалан, “ижтимоий мавқе ва мансабга интилиш”, “жамоатчиликка тан олинганлик”, “ўзига тўқ, бой-бадавлат бўлиш” каби қадриятлар аҳамиятлилик хусусиятига кўра энг баланд қадриятлар сифатида эътироф этилган.

Натижалар, шаҳарлик илк ўспиринлар келажакка йўналганлик борасида беқарор эканликлигини кўрсатиб, ўзини ўзи тўғри баҳолаш борасида муваффақият қозона олмаслигига ишорат беради.



Шаҳарлик илк ўспиринлардаги устувор терминал қадриятлар (n=28)



Қишлоқлик илк ўспиринлардаги устувор терминал қадриятлар (n=25)

2-расм. Илк ўспиринлар иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнига таъсир этувчи мезоомиллар
(Манба: муаллиф изланишлари).

Юқори даражали аҳамиятлиликдаги қадриятлар сифатида таъкидланган, “жамоатчиликка тан олинганлик” қадрияти – шаҳарлик илк ўспиринларда 71,4 фоиз, қишлоқда истиқомат қиладиган илк ўспиринларда – 24,0 фоиз; “ижтимоий мавқе ва мансабга интилиш” қадрияти – шаҳарлик коллеж ўқувчиларида 89,3 фоиз, қишлоқлик коллеж ўқувчиларида – 12,0 фоиз; “ўзига тўқ, бой-бадавлат бўлиш” қадрияти эса шаҳарлик синалувчиларда 75,0 фоиз қишлоқлик синалувчиларда – 88,0 фоиз эканлиги, ушбу қадриятларнинг бозор иқтисодиёти шароитида янгича иқтисодий фикрлашни амалга ошираётган илк ўспиринлар учун катта ҳаётий аҳамият касб этаётганлигини аниқлаб, ўзига хос демографик хусусиятни намоён этди ҳамда қадриятларга йўналганликни белгилашда мезоомиллар таъсири борлигини яққол кўрсатди. Тадқиқотнинг кўрсатишича, биринчи гуруҳ вакиллари ориентациясининг мазмунини “ижтимоий мавқе ва мансабга интилиш” ва “жамоатчиликка тан олинганлик” каби ижтимоий қадриятларга йўналганлик омиллари мажмуаси ташкил қилса, иккинчи гуруҳ аъзоларидаги ориентацияда эса “севимли инсонга интилиш”, “оилада ўзаро ишонч ва мустаҳкам муносабат” ва “саранжом-саришталик, уйда қулайлик яратувчанлик” каби оилавий ҳаёт қадриятларига йўналганлик омиллари яхлитлиги устуворлик касб этади (2-расмга қаранг). Ушбу ҳолат уларнинг иқтисодий

ижтимоийлашувида у ёки бу даражадаги қадриятлар таъсири аҳамиятлилигини ва гуманизм ғоялари билан суғорилган мамлакатимиздаги ёшлар сиёсатининг инсонпарварлиги ва оилапарварлигидан дарак беради.

Турли демографик ҳудудларда истиқомат қилаётган илк ўспиринлар томонидан, инструментал қадриятлар қаторидан биринчи даражали аҳамиятлиликда деб топилган танловларда ҳам, худди терминал қадриятлар шаклланишидаги каби тафовутлар борлиги аниқланди. Масалан, шаҳарда яшаб келаётган синалувчиларимиз учун муҳимлиги бўйича: “ўз фикр ва қарашларида қатъий тура билиш ва орқага чекинмаслик”, “ўзини ўзи англаш, иқтисодий қизиқишларига мувофиқ келувчи фаолият билан шуғулланиш” ва “иродали бўлиш” каби қадриятлар биринчилар қаторида танланди (3-расмга қаранг). Шунингдек, тадқиқот натижаларининг далолат беришича, умумий доминантлик кўрсаткичлари бўйича қишлоқдаги коллежда таҳсил олаётган илк ўспирин ўқувчилардаги етакчи қадриятлар параметри сифатида “тарбияланганлик”, “сабрли бўлиш, бошқалар фикрини тинглаш, ҳурмат қилиш, хато ва камчиликларни кечириш” ва “меҳнатсеварлик, ишлардаги самарадорлик” омилларидан иборат йўналганлик мажмуаси эътироф этилган қадриятлар жинсий хусусиятлар воситасида қўлга киритилади, деган хулосага олиб келади.



Шаҳарлик илк ўспиринлардаги устувор инструментал қадриятлар (n=28)



Қишлоқлик илк ўспиринлардаги устувор инструментал қадриятлар (n=25)

3-расм. Илк ўспиринлар иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнига таъсир этувчи мезоомиллар *(Манба: муаллиф изланишлари).*

Назаримизда, ҳар иккала қадриятлар мажмуасининг нисбий аҳамияти шундаки, у нафақат, турли жинс вакиллари учун, балки ижтимоий-демографик гуруҳлар учун ҳам хилма-хил бўлади, бу тафовутланишдан эса бозорни сегментларга ажратиш мезони сифатида фойдаланиш мумкин. Ва буни шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-психологик омиллар мотивацион-қадриятли тузилмасининг механизми деб атаймиз.

Натижаларни таҳлил қилар эканмиз, яъни инструментал қадриятларни терминал қадрият билан таққосларканмиз, 50 нафар илк ўспиринда терминал қадриятлар қаторидан “моддий муваффақият” омилига оид – 7-; 11-; 13-, 14-тартибда

турган қадриятлар танлаб олинганида, инструментал қадриятларни танлаш жараёнида эса бозор муносабатларига киришишдаги иқтисодий ролларни бажаришда – 3-; 11-; 18-тартибдаги моддий муваффақиятни белгиловчи қадриятларни эмас, балки умуман бошқа бир қадриятларга тўхталинганлигини гувоҳи бўламиз. Бундай номутаносиблик синалувчини бозор муносабатларига асосланиладиган жамиятда тўғри иқтисодий ижтимоийлашмаган, фаолиятга йўналганлик тузилмасида эса “мақсад”, “восита” ва “натижа” компонентларини ўзида мужассамлаштирганлигидан далолат бериб, бу тоифа шахсларни бозор муносабатларига киришишга тайёр эмас, деб баҳоланишига сабаб бўлади.

Демак биринчидан, терминал қадриятлар иқтисодий ижтимоийлашув жараёнида шахснинг, тадбиркор, ишлаб чиқарувчи, сотувчи каби иқтисодий ролларни бажариши билан боғлиқ фаолият соҳасидаги муҳим хусусият – иқтисодий муносабатларга киришиш қобилиятини баҳоловчи омил ролини бажарса, иккинчидан, мотивацион йўналганликни характерловчи инструментал қадриятларнинг установкалар шаклида шахс иқтисодий хулқининг у бажараётган истеъмолчи, харидор каби роллари мазмунида намоён бўлиши эса таянч иқтисодий кўникмага эга бўлган истеъмолчи хулқ-атвори шаклланганлик даражасини ўлчовчи омил сифатида юзага чиқади.

Мазкур механизмни қуйидаги мисол орқали ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, шодлик ёки лаззатни қадрлайдиган эгоцентрик установкаси юқори илк ўспирин ёшидаги қиз бир қадаҳ қаҳвани ёқимли таъми учун ичишни хоҳласа, мақсадга эришганлик ҳиссини қадрлайдиган социоцентрик установкали илк ўспирин-йигит қаҳвага ишлаб чиқариш унумдорлигини оширадиган кучсиз стимулятор сифатида қарайди. Ва яна анъанавий установкаларга асосланган ҳолда бошқалар билан илиқ муносабатда бўлишни қадрлайдиган яна бир тоифа (ўғил ва қиз аралаш) илк ўспиринлар эса ижтимоий урф-одатга риоя қилган ҳолда бир чашкадан қаҳва ичишни хуш кўрадилар.

Олиб борган тадқиқотларимизнинг шу босқич натижаларига асосланиб қисқача хулосалайдиган бўлсак, шахсдаги ҳаётий қадриятларнинг шаклланиш жараёни иқтисодий ижтимоийлашувга таъсир кўрсатувчи омиллардан бири сифатида баҳоланиб, бунда асосий аҳамият касб этадиган ёш даври ўспиринлик давридир. Сабаби, айнан илк ўспиринлик даврига келиб, яъни оптация босқичидаги шахсда қадриятлар тизими шаклланишининг барқарорлик хусусиятини кўриш мумкин. Фикримизча,

50 нафар илк ўспирин синалувчидаги устувор қадриятларнинг намоён бўлишида: (1) оила; (2) яқин дўстларининг ишончи; (3) билим; (4) жамиятда тан олинишга нисбатан эҳтиёжлар устуворлигини кузатиш мумкин.

Юқоридаги хулосадан келиб чиқиб, ёш даврининг кейинги катта ўспиринлик босқичида: (1) шахснинг ҳаётий мақсад ва қадриятлари; (2) ижтимоий идеаллар; (3) ижтимоий-иқтисодий мавқе каби омиллар билан боғлиқ шахс кўникма ва малакасини тадқиқ этиш мотивацион-қадриятли тузилманинг моҳиятини ёритишда

кенгроқ маълумотлар беради, деган ишчи фаразни қўйиш мумкин.

Ишчи фаразни текшириш йўлида, бозор иқтисодиёти шароитига муваффақиятли иқтисодий ижтимоийлашган ўспиринлар хулқ-атворидаги устувор ижтимоий-психологик хусусиятларни аниқлаш мақсадида олиб борилган изланишларимизда П.Н. Иванов, Е.Ф. Колобоваларнинг “Шахснинг ҳаётий қадриятларини аниқлаш (Must-тест)” проектив методикасидан (n=204) фойдаланиб, қуйидагиларни қўлга киритдик. Хусусан, ёндашувимизга мувофиқ, жавобларда қайд этилган терминал қадриятлар интерпритацияси иқтисодий муносабатларга йўналганликнинг тўртта даражаси: (1) натижага; (2) жараёнга; (3) эгоизмга; (4) альтруизмга нисбат олиб амалга оширилди.

Бунда натижага ориентация қилувчи: (1) хавфсизлик ва ҳимояланганлик; (2) моддий муваффақият; (3) мамнунлик ҳисси; (4) саломатлик; (5) маънавий ҳаётдаги бойлик; (6) маънавий-диний жиҳатдан мазмундор ҳаёт каби терминал қадриятларни ифодалаган жавоблар шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнида иқтисодий муносабатларга йўналганликнинг биринчи даражаси сифатида қабул қилинди. Жараёнга нисбатан йўналганликни тушунтирувчи: (7) жамиятдаги очиқлик, эркинлик ва демократия, (8) шахсий юксалиш ҳамда (9) шахслараро муносабатлар ва алоқалар каби терминал қадриятлар иқтисодий муносабатларга йўналганликнинг иккинчи даражаси сифатида эътироф этилди. Ўспиринлардаги эгоцентрик установкаларга асосланувчи: (10) ҳокимият ва таъсир ўтказиш; (11) машҳурлик; (12) мустақиллик каби терминал қадриятларни ифодаловчи жавоблар эса муваффақиятли иқтисодий ижтимоийлашувнинг муҳим шартларидан ҳисобланадиган иқтисодий муносабатларга киришишга тайёрликнинг учинчи даражаси сифатида ўрганилди. Ниҳоят, социоцентрик установкалар таъсирида шаклланган ўспиринларнинг альтруизмга нисбатан йўналганлик даражаси тўртинчи даражани тушунтиришда қабул қилиниб, унинг ёрдамида: (13) инсонларга хизмат қилиш; (14) муҳаббат ва садоқат ва (15) жозибадорлик каби қадриятлар моҳияти тадқиқ этилди ҳамда уларнинг шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнига кўрсатадиган таъсири аниқланди.

1-жадвал.

ОТМда таҳсил олаётган ўспиринларнинг иқтисодий муносабатларга нисбатан йўналганликлари (фоизли таҳлил)

Т/р	Иқтисодий муносабатларга йўналганлик даражалари	Ўспиринлар		Фоизда
		йигитлар (n=131)	қизлар (n=73)	
1.	натижага нисбатан йўналганлик	36	27	30,88
2.	жараёнга нисбатан йўналганлик	37	16	26,00
3.	эгоизмга нисбатан йўналганлик	19	22	20,09
4.	альтруизмга нисбатан йўналганлик	39	8	23,03

1-жадвалдаги маълумотларни, биз, методика йўриқномасига кўра, респондентларнинг иқтисодий ижтимоийлашув жараёнида иқтисодий муносабатларга бўлган йўналганлигини ифодаловчи тўртта даражага мувофиқ таҳлил қилдик. Қабул қилинган шартга мувофиқ биринчи даража – бу ўспиринларнинг натижага нисбатан

йўналганлигини англатувчи даража ҳсиобланади. Жами респондентларнинг энг кўпи 30,88 фоизини жавоблар йиғиндиси, уларни натижага нисбатан йўналганликларини аниқлаб берди. Жумладан, натижаларни ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, улар қуйидаги хусусиятларига кўра ишончли ҳисобланадилар. Яъни, бу тоифа ўспиринлар фаолиятлари давомида турли-туман қарама-қаршиликларга учрашларига қарамасдан, устувор шаклланган қатъиятлилик, барқарорлик хусусиятлари ҳисобига доимо натижага эриша оладилар.

Хусусан, 18,63 фоиз ўспириннинг жавобидан маълум бўлишича, масалан, “жуда ҳам даҳшатли, агар уруш бошланса”, “жуда ҳам даҳшатли, агар ёвузлик ғалаба қозонса” деб билдирган фикр эгалари ҳисобланадиган ўспиринлар жамиятда рўй бераётган воқеликлар ва ҳолатлардан, ўз ва яқинлари ҳаётидан хавотирланаётганлигини намоён қилишиб, хавфсизлик ва ҳимояланганликка нисбатан устувор қадриятларни эътироф этишган. 36,76 фоиз ўспирин жисмоний қулайликка ҳамда ҳар томонлама ҳаётдан лаззатланиш(масалан, яхши овқат, ичимлик ва бошқалар)га интилишни ифодалайдиган қадриятларни улуғлашлари орқали ўзларидаги мамнунлик ҳисси даражасини намоён этишган. Жумладан, “мен учун энг зарури бу ҳаётда ҳамма нарсадан тотиб кўриш” ёки “мен учун энг зарури бу яхши еб-ичиш ва кийиниш” каби фикрлар шахс учун аҳамиятлиси ва асосийси натижа эканлигини тасдиқловчи жавоблардир.

Шунингдек, 66,17 фоиз ўспирин учун моддий муваффақият бош қадрият ҳисобланади. Буни тасдиқлайдиган қуйидаги “жуда ҳам даҳшатли, агар бир умр ётоқхонада яшаб ўтсам”; “мен чидаб тура олмайман, агарда менинг маошимни кечиктиришса”; “мен учун энг зарури яхши ҳақ тўланадиган иш топиш” каби фикрлар ўз ҳаёт шароитини яхшилаш, кафолатланган даромад олиш, моддий таъминланишни амалга оширишга қаратилган ҳаракатларда орқали изоҳланади ҳамда натижага нисбатан йўналганлигини кўрсатади. Бу хил жавоблар ўспириннинг иқтисодий воқеликларга нисбатан ўзидаги ҳис-туйғуларга йўғрилган муносабатини яққол намоён қилади ҳамда иқтисодий ижтимоийлашув жараёнига шахс эмоционал оламига дахлдор компонентларнинг узлуксиз таъсири борлигини исботлайди. Худди шундай жараённи, биз, ўсмирлар ва илк ўспиринлар томонидан қайд этилган фақирликка, йўқчиликка, хусусий мулкка, бойликка ва ҳоказоларга нисбатан бўлган шахсий установкаларга таянилган мотивацион муносабатлар тизимида ҳам кузатишимиз мумкин.

14,7 фоиз ўспирин томонидан жамиятдаги маънавий муносабатларга нисбатан билдирилган фикр-мулоҳазаларидан маълум бўлишича, жамиятдаги очиқлик, эркинлик ва демократия ижтимоий ҳақиқат заруратини келтириб чиқаради. Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам, “мен чидаб тура олмайман, агарда ... раҳбарлар(и) тошбағир бўлишса” деб билдирилган фикр эгаларининг барчасида ҳокимиятга нисбатан талабчанлик мавжудлиги кузатилади. Шахсий юксалишни қадрлайдиган 78,43 фоиз ўспирин учун шахсий-касбий жиҳатдан ривожланган бўлиш ҳаётий талабчанликнинг зарурий шарти демакдир. Бундай талабчанлик “мен чидаб тура

олмайман, агарда инсонлар юксак мақсадлар сари интилишмаса”; “мен учун энг зарури ўзим учун белгиланган даражада қотиб қолмаслик” каби фикрлар орқали тасдиқланади. 22,05 фоиз ўспирин ўзларини ёлғизликдан халос этувчи ёки ҳаётларидаги бўшлиқни ўрнини тўлдирувчи бирор бир ижтимоий гуруҳнинг аъзоси сифатида ҳис этишга (жавобларда бундай гуруҳларнинг вертуал шакллари, масалан ижтимоий порталлар – Facebook, Instagram, Telegram, Одноклассники, вКругуДрузей, Twitter, Tik-Tok ва ҳоказолар ҳам қайд этилган) ва доимий мулоқот гуруҳига эҳтиёж сезишади. Буларга мисол сифатида “жуда ҳам даҳшатли, агар атрофимдагилар мени тушунишни тўхтатсалар”; “жуда ҳам даҳшатли, агар “Facebook/Instagram”да умуман дўстинг бўлмаса” каби жавобларни келтириш мумкин. Умуман олганда, жами респондентларнинг 26,0 фоизини жавоблар йиғиндиси жараёнга нисбатан йўналганликни кўрсатади ва натижалар ижтимоийлашув жараёни даражасининг таъсири бевосита эканлигини исботлайди. Ана шу тоифа синалувчиларнинг умумий натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, улар одатда натижага эришиш йўлида кам фикрлайдиган ва топшириқларни бажаришда кечикадиган шахслар эканлиги маълум бўлади. Улардаги бу ҳолат, ўз навбатида, ўқиш фаолияти натижасига ҳам таъсир қилади, кўпинча уларни мустақил ишларни бажаришга бўлган қизиқиш ўзига жалб қилиб, натижага эришиш эса улардан шунчалик кўп изланишни талаб қиладики, оқибатда, фаолиятга нисбатан салбий муносабат юзага келади. Демак, бу тоифа синалувчилар учун асосийси натижа эмас – бу жараённинг ўзида иштирок этиш ва шу орқали эҳтиёжни қондириш ҳисобланар экан. Шунга боис биз, ўспиринларнинг жараёнга нисбатан йўналганлигини иқтисодий муносабатларга йўналганликнинг иккинчи даражаси сифатида белгиладик.

Иқтисодий муносабатларга киришишга тайёрликнинг учинчи даражасини тушунтирувчи ўспиринларнинг эгоизмга нисбатан йўналганлик даражаси синалувчиларнинг 20,09 фоизи жавобларида аниқланди. Хусусан, ҳокимият ва таъсир ўтказиш мавқеини афзал кўрувчи ўспиринлар (12,25 фоиз) ички интилишнинг юқорилиги боис, хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворида бошқалар устидан ҳукмронлик қилишга ва уларга таъсир ўтказишни намоён қилишади. Бу эса улар томонидан қайд этилган “жуда ҳам даҳшатли, агар мени менсишмаса”; “мен учун энг зарури ўз тенгдошларим олдидаги обрў-эътиборли бўлиш” деган фикрлар орқали изоҳланади. Яна бир тоифа ўспиринлар (8,82 фоиз) учун машҳурлик ҳаётининг бош мақсади ҳисобланар экан. Улар барчани диққат-эътиборини ўзига қаратишни, кўпчиликка машҳур бўлишни ёқтирувчи инсонлар тоифасига мансуб бўлиб, ўзларидаги устувор фикрлар, “жуда ҳам даҳшатли, агар менинг вафотимдан сўнг мени эслашмаса”; “мен учун энг зарури ўз ҳаётим давомида бирон ёркин из қолдириш” каби таъкидларда намоён бўлади. Шунингдек, мустақилликни улуғловчи бир гуруҳ ўспиринлар (80,88 фоиз – энг кўп) ўз ҳаёт йўлини ўзлари танлашадилар, бошқаларнинг фикрларини инобатга олишмайди, ўзлари учун нимани зарур деб билишса шуни қилишади. Масалан, “жуда ҳам даҳшатли, агар ўзинг учун ҳеч нарса қила олмасанг”; “мен чидаб тура олмайман, агарда мен нима қилишим зарурлигини уқтириб

туришса”; “мен учун энг зарури ўйлаганларимни амалга ошириш” каби жавоблар шахсдаги мустақилликни қадрият сифатида юқори даражада қўйишига сабаб бўлади.

Психологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, қисман даражадаги эгоистлик кишиларга зарар келтирмайди, аммо унинг мавжуд эмаслиги ёки меъёрдан ортиқлиги эса салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Лекин ана шу қисман даражадаги эгоистликнинг йигитларга қараганда қизларда кўплиги – бу тадқиқотнинг янгилиги бўлди, яъни жами синалувчи йигитларнинг 14,5 фоизида эгоцентрик установкалар шаклланганлигининг устуворлигини кузатсак, жами респондент қизларнинг 30,13 фоизида худди шундай установка юқори саналади.

Аниқланилишича, 29,77 фоизни ташкил қиладиган яна бир тоифа ўспиринлар учун инсонларга хизмат қилиш асосий қадрият саналади. Бундай фикр эгалари ўзгаларга ёрдам бериш ва кўмаклашишни ўзининг ҳаётий ва касбий қадрияти сифатида идрок этишади. Бу каби эътирофлар, “мен учун энг зарури фарзандларимни билимли инсон қилиб тарбиялаш”; “мен учун энг зарури ўз фарзандларимни бахтли бўлишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш” деган жавобларда яққол намоён бўлади. Натижалар таҳлилига кўра, “муҳаббат ва садоқат” ва “жозибадорлик” каби қадриятлар бўйича ҳам кўрсаткичлар худди шундай хусусиятга эгадир. Альтруизмга нисбатан йўналган (тўртинчи даража) ўспиринларда, одатда, шахсий манфаатдан воз кечган ҳолда ўзгаларга ёрдам бериш истагининг юқорилиги алоҳида диққатга сазовордир. Шунингдек, бу тоифа синалувчилар келажакдаги меҳнат фаолиятларида қўл остидагиларининг эътирофи бўйича ҳурматга лойиқ раҳбарлар сирасидан жой олишади, деган башоратни ҳам айтиш мумкин. Сабаби, психологик тадқиқотларда (масалан, Битянова М.Р., 2008) – альтруизм – ижтимоий мотивациялардан бири ҳисобланиб, унинг мавжудлиги раҳбарларнинг етуклигидан далолат беради. Тадқиқотда иштирок этган синалувчиларнинг 23,03 фоизи альтруизмга нисбатан йўналган ўспиринлар саналишади. Ўзларидаги социоцентрик установкаларнинг юқорилигига кўра, ўспирин йигитлар тенгдош қизлардан анча фарқланишади.

МУҲОКАМА

Умуман олганда олиб борилган кенг қамровли изланишлар шуни кўрсатадики, пойтахт-шаҳарда таҳсил олаётган ўспирин йигитлардаги иқтисодий муносабатларга киришишни таъминлашга хизмат қиладиган устувор ҳаётий қадриятлар альтруизмга нисбатан йўналганликда ўз ифодасини топса, кичик шаҳарда ўқиш фаолиятини олиб бораётган ўспирин йигит учун эса бундай тоифа қадриятлар жамланмаси натижага нисбатан йўналганлиги билан характерлидир. Шунингдек, шу ёш даврининг пойтахт-шаҳар қизлари учун натижага йўналганликни ифодаловчи ҳаётий қадриятлари устуворликни ташкил этса, кичик шаҳар ўспирин қизларида эса жараёнга нисбатан йўналганлик алоҳида аҳамият касб этар экан.

Ўтказилган ҳар иккала методика орқали аниқланган, илк ўспиринлар ва ўспиринлардаги терминал ва инструментал қадриятлар, аввало, юрт тинчлиги, ватан равнақи учун масъулиятни ҳис эта олиш кўникмалари ҳамда оиладаги кичик

юмушларни бажариб, оила равнақи ва фаровонлиги учун ўз ҳиссасини қўшаётганлигини ҳис эта олишлари мазмунини очиб берса-да, лекин, ўспиринларнинг табиий бойликлар ва атроф-муҳитни асраб авайлаш, меҳнатсеварлик, тежамкорлик, сахийлик хислатларига эга эканлигини; ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тўлиқ англаш, уларни ечиш учун зарурий қарорларни қабул қила олиш хислатлари ва кўникмалари шаклланганлигини тўлиқ намоён қилмайди ҳамда иқтисодий масъулиятлилик ва маданиятлиликни шаклланиш босқичи тугалланмаганлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

1. Илк ўспирин қизлар психологиясидаги эмоционал ва когнитив оламлар компонентларини мувофиқлаштира олмаслик хусусияти, ўз навбатида, уларнинг истиқболдаги фаолият соҳасида иқтисодий ролларни бажаришида зарурий шахсий-касбий сифатларни шаклланишида ва ўзини профессионал сифатида англашида тўсиқларни келтириб чиқаради.

2. Оилавий муносабатлар, оила аъзоларининг ҳаётий қарашлари, шунингдек, турмуш тарзини йўлга қўйишда оилавий-иқтисодий қадриятлар моҳиятининг ўзлаштирилиши асосида болада шаклланган дастлабки, содда, бироқ, моҳиятан унинг келгуси ривожланиши учун “ядро” вазифасини бажарувчи ижтимоий-психологик қарашлари бир қадар мураккаб бўлган иқтисодий меъёрларнинг қабул қилинишини осонлаштиради.

3. Хўжалик муносабатларига киришган субъектларни иқтисодий муносабатларга оид тасаввурлари, билимлари, ғоялари, қарашларининг онгдаги акси, рўй бераётган бозор (олди-берди) муносабатларининг моҳиятини таҳлил қилиш, умумлаштириш, таққослаш ва хулосаларни чиқаришга имкон беради.

4. Турли ёш (масалан, ўсмирлик → илк ўспиринлик → ўспиринлик) даврида тўпланиб бораётган ҳаётий тажриба, иқтисодий тушунчаларнинг ўзлаштирилишидан ҳосил бўлган билимлар мажмуи глобал иқтисодиёт оламида кечаётган ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри идрок этиш, баҳолашга имкон беради ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларга онгли ёндашувни шакллантириб, шахснинг тежамкорлик борасидаги молиявий саводхонлигини қарор топтиради.

5. Шахсда ривожланган “сарф-харажатдан ўзини тийиш” мотиви унинг жамғариш қобилияти шаклланишидаги асосий омил ва шартлардан бири сифатида гавдаланади ҳамда шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнида у ёки бу омил таъсирида шаклланган шахсдаги яна қуйидаги: эҳтиётқорлик; прогнозлаш (иқтисодий жараёнлар кечишини олдиндан кўра билиш); ҳисоб-китоблилик; интилувчанлик; мустақиллик; тадбиркорлик каби сифатлар ушбу мотивнинг таъсирчанлигини таъминлайди.

6. Шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар кўламини мўътадиллаштиришда, ўспиринларнинг психологик ва ёш хусусиятларига таянилган ҳолда уларда қуйидаги:

- талаб ва таклиф ўртасидаги узвий боғлиқлик ва иқтисодий муносабатлар мазмунини англаш, назарий-иқтисодий билимларни эгаллашга интилиш чоғидаги – иқтисодий онг, иқтисодий хулқ, иқтисодий тафаккур ва иқтисодий саводхонлик;

- содир бўлаётган иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг мазмунини англашга интилиш жараёнида иқтисодий тафаккур;

- иқтисодий ҳодисалар (бозор) мазмунини ўрганиш, уларга амал қилиш, истеъмолчилик ҳуқуқ ва бурчларини билиш жараёнида иқтисодий масъуллик, иқтисодий эътиқод;

- ижтимоий-иқтисодий меъёрларга амал қилиш жараёнида онглилик, эркинлик, мустақиллик, иқтисодий масъуллик, иқтисодий фаоллик, иқтисодий эътиқодлилик ва иқтисодий салоҳият каби иқтисодий маданият унсурларини шакллантириш мумкин.

7. Катта-шаҳарда таҳсил олаётган ўспирин йигитлардаги иқтисодий муносабатларга киришишни таъминлашга хизмат қиладиган устувор ҳаётий қадриятлар альтруизмга нисбатан йўналганликда ўз ифодасини топса, кичик-шаҳарда ўқиш фаолиятини олиб бораётган ўспирин йигит учун эса бундай тоифа қадриятлар жамланмаси натижага нисбатан йўналганлиги билан характерлидир. Шунингдек, шу ёш даврининг пойтахт-шаҳар қизлари учун натижага йўналганликни ифодаловчи ҳаётий қадриятлари устуворликни ташкил этса, кичик шаҳар ўспирин қизларида эса жараёнга нисбатан йўналганлик алоҳида аҳамият касб этар экан.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. http://www.un.uz/uzb/news/display/320 – БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси расмий сайти маълумотлари (мурожаат ҳолати 24.04.2019 йил).
2. http://stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Статистика қумитаси расмий сайти маълумотлари (мурожаат ҳолати 22.04.2020 йил).
3. White G. Socialization / G. White. – L.: Longman, 1977. – P. 25.
4. Андреева Г.М. Социальная психология: Учебник / Г.М. Андреева. – М.: Аспект-Пресс, 2016. – 363 с.
5. Ковалева А.И. Социология молодежи: Теоретические вопроси / А.И. Ковалева, В.А. Луков. – М.: Социум, 1999. – 351 с.
6. Помуран Н.Н. Этнопсихологические особенности экономической социализации старшеклассников в современных условиях: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – Иркутск: 2004. – 176 с.
7. Шибутани Т. Социальная психология. – Ростов н/Д: Феникс, 1998. – С. 22–28.
8. Ғозиев Э.Ғ. Социал психология. – Т.: “Noshir”, 2012. – 316 б.
9. Каримова В.М., Ғойибова Н.А. Оилавий муносабатлар психологияси: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2018. – Б. 111.
10. Прутченков А.С. Проблемы и противоречия формирования экономической культуры учащихся современной школы: Стандарт экономического образования в общеобразовательных учреждениях / под ред. Н.М. Кондратенко. – Самара: СИПКРО, 1996. – С. 16.

11. Семья Г.В. Экономическая социализация детей и подростов: периодизация и результаты // Школьный экономический журнал. – 1998. – №. 5. – С. 26.
12. Попова Е.В. Формирование нравственно-экономической воспитанности младших школьников: Автореферат дис. … канд. пед. наук: 13.00.01. – Челябинск: 2000. – С. 15.
13. Жилина Ж.А. Психическая регуляция экономической социализации детей старшего дошкольного возраста / Ж.А. Жилина. – Владимир: 2003. – С. 6.
14. Rob Ranyard Economic psychology: BPS textbooks in psychology / edited by Rob Ranyard. – Hoboken: New Jersey, Wiley-Blackwell, 2017. – P. 319–450.
15. Erich Kirchler ва Erik Hoelzl Economic Psychology. / University Cambridge. – United Kingdom, Cambridge University Press, 2018. – P. 93–133.
16. Мудрик А.В. Социализация человека: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Изд. 2-е, испр., доп. – М.: Academia, 2006. – 304 с.
17. Журавлева Н.А. Динамика ценностных ориентаций личности в условиях социально-экономических изменений: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – М.: 2002. – 228 с.
18. Битянова М.Р. Социальная психология. 2-е изд., перераб. – СПб.: Питер, 2008. – 368 с.; Журавлев А.Л., Соснин В.А., Красников М.А. Социальная психология: учебное пособие. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. – 416 с.
19. Умарова, Н. Ш. (2019). Экономическая социализация личности в контексте возрастных периодов. *Вестник науки и образования*, (22-3 (76)).
20. Umarova, N. (2020). The Theoretical And Practical Model Of Making A Person Socializing Economically. *The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2*(08), 62-68.

REFERENCES

1. http://www.un.uz/uzb/news/display/320 – БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси расмий сайти маълумотлари (мурожаат ҳолати 24.04.2019 йил).
2. http://stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Статистика қумитаси расмий сайти маълумотлари (мурожаат ҳолати 22.04.2019 йил).
3. White G. Socialization / G. White. – L.: Longman, 1977. – P. 25.
4. Андреева Г.М. Социальная психология: Учебник / Г.М. Андреева. – М.: Аспект-Пресс, 2016. – 363 с.
5. Ковалева А.И. Социология молодежи: Теоретические вопроси / А.И. Ковалева, В.А. Луков. – М.: Социум, 1999. – 351 с.
6. Помуран Н.Н. Этнопсихологические особенности экономической социализации старшеклассников в современных условиях: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – Иркутск: 2004. – 176 с.
7. Шибутани Т. Социальная психология. – Ростов н/Д: Феникс, 1998. – С. 22–28.
8. Ғозиев Э.Ғ. Социал психология. – Т.: “Noshir”, 2012. – 316 б.
9. Каримова В.М., Ғойибова Н.А. Оилавий муносабатлар психологияси: Ўқув

қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2018. – Б. 111.
10. Прутченков А.С. Проблемы и противоречия формирования экономической культуры учащихся современной школы: Стандарт экономического образования в общеобразовательных учреждениях / под ред. Н.М. Кондратенко. – Самара: СИПКРО, 1996. – С. 16.
11. Семья Г.В. Экономическая социализация детей и подростов: периодизация и результаты // Школьный экономический журнал. – 1998. – №. 5. – С. 26.
12. Попова Е.В. Формирование нравственно-экономической воспитанности младших школьников: Автореферат дис. … канд. пед. наук: 13.00.01. – Челябинск: 2000. – С. 15.
13. Жилина Ж.А. Психическая регуляция экономической социализации детей старшего дошкольного возраста / Ж.А. Жилина. – Владимир: 2003. – С. 6.
14. Rob Ranyard Economic psychology: BPS textbooks in psychology / edited by Rob Ranyard. – Hoboken: New Jersey, Wiley-Blackwell, 2017. – P. 319–450.
15. Erich Kirchler ва Erik Hoelzl Economic Psychology. / University Cambridge. – United Kingdom, Cambridge University Press, 2018. – P. 93–133.
16. Мудрик А.В. Социализация человека: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – Изд. 2-е, испр., доп. – М.: Academia, 2006. – 304 с.
17. Журавлева Н.А. Динамика ценностных ориентаций личности в условиях социально-экономических изменений: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – М.: 2002. – 228 с.
18. Битянова М.Р. Социальная психология. 2-е изд., перераб. – СПб.: Питер, 2008. – 368 с.; Журавлев А.Л., Соснин В.А., Красников М.А. Социальная психология: учебное пособие. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2008. – 416 с.
19. Умарова, Н. Ш. (2019). Экономическая социализация личности в контексте возрастных периодов. *Вестник науки и образования*, (22-3 (76)).
20. Umarova, N. (2020). The Theoretical And Practical Model Of Making A Person Socializing Economically. *The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2*(08), 62-68.